Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 29 октябр жума

Сотувда эркин нархда № 213 (2251)

## ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ ТОПШИРИЛДИ

***Избоскан туманидаги Кўғай қишлоғида истиқомат қилувчи Ўзбекистон халқ устаси Йўлбарс Ўтаганов хонадонида катта шодиёна. Унга ҳамқишлоқлари, ёру биродарлари, шогирдлари, жамоатчилик вакиллари иштирокида мамлакатимиз Президентининг мактуби ва эсдалик совғалари топширилди.***

Уста яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган халқаро кўргазма чоғида Йўлбошчимизнинг чинор ёғочига ўйиб ишланган сиймоси акс эттирилган асарини Юртбошимизга туҳфа этган эди.

Давлатимиз раҳбари устанинг бу илтифотини эътиборсиз қолдирмади. Унга самимий сўзлар битилган мактуб йўллаб, миллий қадриятларимизни тиклаш борасида олиб бораётган ижодий ишларига юксак баҳо берди, узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилади.

Тантанада сўзга чиққанлар уста бутун умри давомида халқ амалий санъатини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшиб келаётгани, шогирдлари ва фарзандлари билан бирга буюк аллома ал-Бухорий тарихий мажмуасини барпо этишда, Тошкентда бунёд этилган Хотира майдони айвонларини безашда, Фарғона водийси шаҳар ва қишлоқларидаги ўнлаб маданий, маъмурий ва маиший биноларни тиклаш ҳамда таъмирлашда жонбозлик кўрсатганини таъкидладилар.

**К. НИЗОМОВ,**
**ЎзА мухбири.**
**Андижон вилояти.**

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 октябр куни Оқсаройда Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Киоко Накаямани унинг илтимосига биноан қабул қилди.

Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги муносабатлар кўлами кенгайиб бормоқда. Мамлакатларимизнинг ҳамкорлиги савдо-иқтисодий ва маданий соҳалардан ташқари, ижтимоий, сиёсий масалаларни ҳам тобора кенгроқ қамраб олаётир. Хусусан, яқинда Қирғизистоннинг Боткен туманида халқаро террорчилар томонидан гаровга олинган тўрт нафар япон геологини озод этишга кўмаклашиш борасида Ўзбекистон томони қўлдан келган барча имкониятларни ишга солди.

Киоко Накаяма хоним Президентимизга Япония Бош вазири Кэйдзо Обучининг гаровдаги япон геологларини озод қилишда яқиндан ёрдам кўрсатгани учун Ўзбекистон раҳбарига йўллаган миннатдорлик мактубини топширди ва мазкур мамлакатнинг расмий вакили сифатида Ислом Каримовга шахсан ўзи ҳам самимий миннатдорлик изҳор этди.

Суҳбат чоғида икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

**СУРАТДА: қабул пайти. А. ТЎРАЕВ олган сурат.**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

*Президент Жаноби Олийлари,*

*25 октябр куни қуролли жангарилар томонидан шу йил 23 августда Қирғизистон Республикасининг Ўш вилоятида гаровга олинган тўрт нафар Япония фуқароси эсон-омон озод қилингани тўғрисидаги хабардан воқиф бўлдим.*

*Бу муждадан озод этилган фуқаролар, уларнинг оила аъзолари ва бутун япон халқи билан биргаликда ғоят қувонганимни маълум қилмоқчиман. Мазкур муаммони ҳал этишда ёрдам беришингизни сўраб, Сиз Жаноб Олийларига шу йил 29 августда йўллаган мактубим орқали мурожаат қилган эдим.*

*Жаноби Олийлари, Сизнинг ҳамда ҳукуматингиз масъул шахсларининг мазкур можаро бошланишидан то шу кунгача япон фуқароларини тезроқ ва хавф-хатарсиз озод қилиш йўлидаги ҳамкорлигингиз учун Япония ҳукумати ва халқи номидан самимий миннатдорлик билдиришга рухсат этгайсиз.*

*Япония Марказий Осиё мамлакатлари барқарорлиги ва равнақи йўлида бундан буён ҳам ўзаро ҳамкорликни давом эттириш ниятидадир. Халқларимиз ўртасидаги дўстлик янада мустаҳкамланишидан умидвор эканлигимни маълум қилишга рухсат этгайсиз. Бу дўстликнинг мустаҳкамлиги мазкур муаммони ҳал этиш йўлидаги ҳамкорлик боис яна бир карра тасдиқланди.*

*Камоли эҳтиром билан,*

**Кэйдзо ОБУЧИ,**
**Япония Бош вазири**
**1999 йил 26 октябр.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

**28 октябр куни Суд-хуқуқ тизимини ислох қилиш тўғрисида таклифлар тайёрлаш комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Мажлисда Комиссия фаолият дастурининг баъзи бир қоидаларини амалга ошириш якунлари кўриб чиқилди. Комиссия аъзоси С. Рашидованинг халқаро ҳуқуқнинг республикада суд-ҳуқуқ ислоҳотини чуқурлаштириш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга тааллуқли нормаларини таҳлил этиш натижалари тўғрисидаги маърузаси тингланди. Шунингдек Комиссия Раиси А. Полвонзоданинг Ўзбекистон Республикасида судларнинг мустақиллигини таъминлаш муаммолари тўғрисидаги ахбороти муҳокама этилди.

Комиссия муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

## МУҲИМИ — ТРАНСПОРТНИНГ БАРҚАРОР ИШЛАШИ

"Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси бошқарувининг Тошкентда бўлиб ўтган кенгайтирилган мажлисида компаниянинг шу йил 9 ойдаги ишларига якун ясалди. Унда компания раҳбарлари, компания бўлинмаларининг бошлиқлари, марказий аппарат ходимлари, шунингдек компанияга қарашли корхоналарнинг раҳбарлари иштирок этди.

Йил бошидан буён қилинган ишлар тўғрисида, шунингдек, йилнинг тўртинчи чорагида темир йўлда юклар ва йўловчилар ташилишини таъминлашга доир вазифалар ҳақида компания бошқаруви раиси Р.Зоҳидов маъруза қилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан юк ташиш 14 фоиз, йўловчиларни ташиш 19 фоиз камайгани айтилди. Шу боисдан, темирйўлчилар иши рентабеллиги 23 фоизни ташкил этганига қарамай, компания даромади ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан камайди. Ёрдамчи хўжаликлар фаолиятидан даромадларни ошириш кўрсаткичи ҳам тўла бажарилмади.

Мажлисда тармоқ корхоналарини қиш даврида ишлашга тайёрлашга катта эътибор берилди. Республика халқ хўжалигини зарур юклар билан узлуксиз таъминлаш темир йўл транспортининг барқарор ишлашига боғлиқлиги таъкидланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Л.Ахметов иштирок этди.

**(ЎзА).**

## ОРЗУ ДАРАХТЛАРИ

***Инсоннинг ҳаёти орзу-ҳавас билан ширин. Орзудан кемтиклик сезиб қолсами, унинг юраги қисила бошлайди. Орзу — дармон, қанот. Чарчоқдан, ҳадигу қўрқув балоларидан, иккиланишлардан одамни холис сақловчи ҳимоя чизиғи у. Орзу — эртанги кундан умидвор бўлиб яшашга рағбат.***

***Орзу — илоҳий тушунча. Оила фаровонлиги, фарзандларни ўқитиш, машина сотиб олиш учун жамғарма тўрвасини тўлғазиш каби ишлар шунчаки кундалик режа. Орзу асли дунёқараш ғунчаси. Демак, у туб-тубидан ижтимоий ҳодиса.***

### XXI аср сари

Коинот жисмлари ўзаро бир-бирига тортиладилар, интиладилар. Мувозанатнинг сақланиши — шу интилишдан.

Жамиятдаги ижтимоий мувозанатларнинг тарозуси эса — одамларнинг яхши орзулари. Орзулардан ривож топиб кетган уларнинг жамики яхши ишлари.

Одамнинг тасаввур қуввати беқиёс. У ўзи истаганча орзу-ҳавас уммонида сузмоғи мумкин. Лекин бу уммон тубига тўлқинлар ғалвиридан сизиб, шунақа дуру гавҳарлар чўкади, тўпланадики, бу хазинани энди биз халқнинг орзуси, миллатнинг орзуси, деб айта оламиз. Ва шундан келиб чиқиб, беихтиёр, ўзимиз не орзулар билан яшаяпмиз, унда не сиру синоат, не фарқу фазилат бор, деган хаёлларга бориб қоламиз.

Хўш, бугунги ўзбекнинг орзуси нима? Ер олибми, фермер бўлибми ёки бўлмасам, бундайроқ корхона очибми, ўзига мавқе (моддий мавқе) яратишми? Ёки пулни пулга уриб, ишбилармонлик ила шуғулланиб, бу ишни озғина ғирромлик оловига димлаб олиб, рўзғор тебратишми? У ҳолда, нима, биз ҳам орзуимиз — миллионер бўлиш дегувчи америкаликларга ўхшаб қолмаймизми?

Йўқ. Миллат нафақат кийиниши, турмуш тарзию тили билан, балки миллий қадриятлари даражаси қадар кўтариладиган орзулари билан ҳам бир-биридан ажралиб туради.

Менимча, ўзбекнинг орзуси Яратганнинг ўзи буюрган ва буюк аждодлари бот-бот уқтириб, даъват этиб келган иймону эътиқодга садоқатли бўлиш. Меҳр-оқибатлиликни сақлаш. Қалбидан қаноат, Яратгандан барокат — тилаги унинг. Ҳа-ҳа, биз бойликлардан кўра баракотни, одамгарчиликни афзал биламиз. Бир-биримизга, миллионер бўлгин илойим, демаймиз. Умрингдан барокат топгин, деймиз. Ҳар нарсанинг баракасини берсин, деймиз. Ўзимизнинг орзуларимизни бошқаларга яхшилик тилаш мазмунида ифода этамиз.

Шундай. Ўзбек — бир майизни қирққа бўлиб еб, қорни тўйиган халқ. Топганини қўни-қўшнисию ёр-биродарларига дастурхон ёзиб баҳам кўрган эл. Бир-бирининг кўнглига қараган, тўйидаю ташвишли кунида бир-бирининг қаватида турган, елкасини суяган меҳрибон дўст. Аразгўйлигу гинахонликни, дўпписининг чангини бир қоқиб олиб, эсидан чиқариб юборадиган мардона қалб. Ишдан қайтганда ҳам, ишга отланганда ҳам ота-онасининг дуосини олишни унутмаган, бири-бирининг ҳузуридан салом-аликсиз ўтмайдиган одамлар.

Бозор иқтисодиёти, ислоҳотлар бизни ҳисоб-китобларни пухтароқ юритишга ўргатмоқда. Тилимизга янгича молиявий иборалар кириб келди. Э, дунёнинг ишлари бу томонларда экан-ку, деган хаёлларга бориб, айримларнинг шошиб қолишганини ҳам кўриб турибмиз.

Лекин ўзбекчилигимиз мукаррам. Одамгарчилигимиз устувор.

Денов туманидаги Амир Темур номли жамоа хўжалигида яшовчи Аҳмад Нарзуллаев деган одамни биламан. «Лочин» фермер хўжалигининг бошлиғи. Сурхондарёдаги биринчи рақамли фермер. Тўқсон биринчи йили фермер хўжалигини ташкил этган. Фермерлар ичида биринчи миллионер.

460 бош қорамолию деҳқончиликдан олаётган даромадлари ўзиники. Лекин Аҳмад фермернинг бошқа бир иши диққатга сазовор. Орол деган қишлоқда фақат ўз маблағи ҳисобига дангиллама мактаб қурди. Шунчаки уч-тўрт хонали иморат бўлса керак-да, деб ўйламанг тағин. 320 ўринли ростмана мактаб.

— Бу қурилиш учун қанча пулингиз кетди?, — сўрайман фермердан.

Фермер кулади. Тўртта «Нексия»нинг пули кетди, дейди. Битта «Нексия»ни, мана, миниб юрибман-ку? Етади-да менга шу. Лекин ўзим қурган мактабга ўқувчиларнинг бодом гулларидай яшнаб бораётганини кўрсам, дўппимни бошимга бир карра бостириб қўяман. Ўзимнинг борлиғимни... яшаётганимни ҳис қилгандай бўламан.

Шу ўринда мен сизни, ҳурматли газетхон, Олтинсойда, «Ширин» жамоа хўжалигида яшайдиган Шароф Саидқулов билан таништиргим келади. Шароф — бригадир. Кўнгли очиқ, дастурхони очиқ йигит. 21 гектар узумзори бор. Бу йил шу ердан 20 миллион сўм даромад олди. У фикри-ёди узуму даромад бўлган миллионер экан-да, деб ўйламанг. Асло. Фикри-ёди — одамларда. Шароф даромади ҳисобига қишлоғидаги мактабнинг эллик нафар ўқувчисига иссиқ кийим олиб берди. Бригадасидаги ўн битта қизни қимматбаҳо буюмлар билан мукофотлади. Кимнингки тўйи бор, узоқ сафари бор — харажатини ўзи кўтаради. Одамларнинг бир-бирига меҳр-оқибати бор бўлсин, бойлик ҳам барака ҳам, келажак ҳам мана шунда, дейди у.

Бу жумлаларни ёзаётиб, яна «Ангорпахта» ҳиссадорларининг ҳимматлари ёдимга тушади. Улар завод ҳовли-жойларини кўркамлаштириб, ободонлаштириб, шарқона қилиб безаб олди. Цехларда гуллар ўстирди. Неки бир яхши кун бор, жамоа Бойсундаги болалар уйи тарбияланувчиларини йўқлаб туради. Оталиқларидаги ат-Термизий номли мактабнинг иссиқ-совуғидан хабардор. Ҳиссадорлар мато тўқийдиган катта цех қурган. Етмишта иш жойи яратилган. Энди улар ип йигирадиган цехни қуришмоқчи. «Бахт уйи» — ёшлар гузарини қурмоқчи. Спорт-соғломлаштириш мажмуини барпо этишмоқчи.

Жамоа чиндан ҳам бой. Бақувват.

— Бойлигимиз — аҳиллигимизда, — дейди Йўлдош Намозов деган ишчи. — Мустақиллик бизга бирлашиш имкониятини берди. Мақсадларни, орзуларни бир жойга қўйиб ишлашга ўргатди. Ўзбекчилигимизни тағин ҳам дурустроқ намойиш қилишимизга замин яратди. Мустақиллик йилларида юртимизда юз берган кенг кўламли ўзгаришлар, ислоҳотларнинг дадил одимлари, жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнимизнинг мустаҳкамланиб бораётгани, эртанги кунга ишонч эса одамларнинг орзуларини тағин-да янгиламоқда, уларнинг руҳиятида янги иқлим яратмоқда. Бу, сирасини айтганда, бўлажак сайловларнинг уюшқоқлик билан ўтишига кафолатдир.

Ҳа, Намозовнинг айтганидай, ўзбекнинг орзуси ушалмоқда. Эзгу мақсадлар, эл-юрт манфаатлари, Ватанни севиш масъулияти одамларимизни янада маҳкамроқ бирлаштирмоқда. Бақамти қилмоқда. Ўзбекнинг орзулари тоғу тошлар тубидан заранг бўлиб ўсиб чиққан ва қаддини ростлаб бораётган дарахт гулларидай яшнаб бормоқда. Бу дарахтни энди шамоллар эголмайди. Гулларини тўколмайди. Унинг мевалари ҳали шунақаям серҳосил, шунақаям ширин бўладики...

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## 1999 5 декабр — САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН — 2000 9 январ

## ВАТАННИ ЯШНАТУВЧИЛАР КЕРАК

Ўзбекистон ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини белгилаб олган. Мақсадимиз ҳам аниқ: адолатли, инсонпарвар, демократик жамият қуриш. Ўтган саккиз йиллик мустақиллик тарихига назар ташлайдиган бўлсак, мамлакатимиз бу йўлдан собитқадамлик билан бораётганлигининг гувоҳи бўламиз. Бизда мамлакатни демократик йўлдан ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолати бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мавжуд.Демократик тамойиллар, қадриятлар ва институтлар ҳаётимизнинг барча соҳаларига тобора кўпроқ кириб бормоқда. Бинобарин, эндиликда **кучли давлатдан — кучли жамиятга ўтиш** зарурати туғилмоқда. Бунинг учун Ўзбекистонда фуқароларнинг сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишидек муҳим масалани ҳал қилиш зарур. Чунки жамиятнинг ҳар бир аъзоси сиёсий фаол бўлсагина эртанги кўзланган олийжаноб мақсадларга эришиш ҳеч шубҳасиз осон кечади.

Бугунги сайловолди жараёни, янада аниқроқ қилиб айтганда, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёни юз бераётган бир пайтда Ўзбекистон аҳолиси турли қатламларининг манфаатларини ифода этиши лозим бўлган кўппартияли тизим каби демократик институтлар ҳамда бошқа жамоат ташкилотларининг мустаҳкам қарор топганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мавжуд шароитда давлатнинг роли сиёсий партиялар ва жамоатчилик ҳаракатларининг вужудга келишини ва уларнинг ривожланишини секинлаштириб қўядиган ҳар қандай ғов ва тўсиқларни бартараф этишдан иборат. Зеро, сиёсий партияларсиз ва жамоатчилик ҳаракатларисиз республикада вакиллик демократиясини тасаввур қилиб бўлмайди.

Шу ўринда бизда фаолият кўрсатаётган партияларнинг жамиятдаги ўрни қандай, халқимиз, сайловларда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларимиз партияларнинг дастури, мақсади, асосий ғояларидан хабардорми, деган савол туғилади. Ёки бўлмаса, партиялар ўз сафига кимларни, қайси кучларни бирлаштирмоқда, жамиятнинг қайси тоифасига кўпроқ суянмоқда, улар бугунги замон талабига қандай жавоб бермоқда деган мулоҳазалар ҳам пайдо бўлиши табиий.

(Давоми 2-бетда).

## МУҲИМ БОСҚИЧ

### унинг бошланишига саноқли кунлар қолди

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Олий Мажлис ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар яқинлашмоқда. Шу кунларда номзодлар кўрсатиш якунланиб, сайловда янги босқич — сайловолди ташвиқоти даври бошланмоқда. Айни пайтда Марказий сайлов комиссияси мамлакатимиздаги сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари ва ташаббускор гуруҳлар томонидан Олий Мажлис депутатлигига тақдим этилган номзодларни рўйхатдан ўтказиш бўйича ҳужжатларни кўриб чиқиш билан шуғулланмоқда. Бу жараён ниҳоясига етгач, тегишли қонунларга мувофиқ сайловолди ташвиқотлари бошланади. Бу даврда ҳам қонун устуворлигига эришмоқ зарур. Шу боис жойларда сайловларга пухта ҳозирлик кўриш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш, сайловолди ташвиқотларини белгиланган қонун-қоидалар, демократик тамойиллар ҳамда ошкоралик ва холислик асосида ўтказиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатган органларнинг сайловолди дастури ва номзодларни матбуотда тенг ҳуқуқли шароитда тарғиб этиш мақсадида Марказий сайлов комиссиясининг оммавий ахборот воситалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Келишув кенгаши тузилганлиги ва унинг илк йиғилиши бўлиб ўтганлиги ҳақида илгари хабар қилган эдик. Шу ўринда айтиш жоизки, ушбу кенгашнинг тузилганлиги мамлакатимизда ҳаққоний ва очиқ демократик сайловлар ўтказилишини таъминлаш йўлида ташланган яна бир муҳим қадам бўлди. Зеро, мазкур Келишув кенгаши сайлов кунига қадар давом этадиган бу муҳим жараённи миллионлаб сайловчиларимиз кутаётган даражада ўтиши йўлида ўзига хос кўприк вазифасини бажаради.

Маълумки, сайловолди ташвиқотларида Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатаётган органларни ва уларнинг номзодларига Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади. Мазкур Келишув кенгашининг яқинда бўлиб ўтган илк йиғилишида мамлакатимиздаги сиёсий партиялар, Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатган ҳокимият вакиллик органлари вакилй ва Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази раҳбарининг сайловолди платформалари ва суҳбатлари билан матбуотда чиқиш тартиби хусусида гап борди. Ва Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатган органлари учун эфирда чиқиш вақтини бир хил белгилаш, матбуотда тенг ҳажмда ўрин бериш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Уларнинг сайловолди дастурларини республика телевидение ва радиосида, «Халқ сўзи», «Народное слово» ҳамда «Правда востока» газеталарида тенг шароитда эълон қилиш қуръа ташлаш йўли билан аниқланди.

Биз ушбу қуръа натижалари билан қуйида барча сайловчиларни таништиришни жоиз деб топдик. Чунки сайловлар халқ иродасини тўғридан-тўғри билдириш, давлат бошқарувида иштирок этиш шакли. Қолаверса, сайловчилар бўлажак сайловларда ўзининг давлат ҳокимиятидаги вакилларини сайлайдилар. Сайловчиларда мана шунга мустаҳкам ишонч ҳосил бўлиши жуда ҳам муҳим.

Модомики шундай экан, Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатган органларнинг нимага интилаётганини билиш, одил баҳо бериш бу — сизу бизнинг ҳуқуқимиз, фуқаролик бурчимиздир.

**Фурқат САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Ўзбекистон телевидениеси каналлари орқали Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатган органлар раҳбарларининг сайловолди дастурлари билан эфирга чиқиш жадвали

| N | Номи | I канал 21.10-21.25 | II канал 19.35-19.50 | III канал 18.00-18.15 | IV канал 14.00-14.15 |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | «Ватан тараққиёти» партияси | 4 ноябр | 11 ноябр | 5 ноябр (4.11 дан такрор) | 5 ноябр ( 4.11 дан такрор) |
| 2 | Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази | 5 ноябр | 12 ноябр | 6 ноябр (5.11 дан такрор) | 6 ноябр (5.11 дан такрор) |
| 3 | Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатган ҳокимият вакиллик органлари вакили | 6 ноябр | 13 ноябр | 7 ноябр (6.11 дан такрор) | 7 ноябр (6.11 дан такрор) |
| 4 | «Адолат» социал-демократик партияси | 7 ноябр | 14 ноябр | 8 ноябр (7.11 дан такрор) | 8 ноябр (7.11 дан такрор) |
| 5 | «Фидокорлар» миллий демократик партияси | 8 ноябр | 15 ноябр | 9 ноябр (8.11 дан такрор) | 9 ноябр (8.11 дан такрор) |
| 6 | Халқ демократик партияси | 9 ноябр | 16 ноябр | 10 ноябр (9.11 дан такрор) | 10 ноябр (9.11 дан такрор) |
| 7 | «Миллий тикланиш» партияси | 10 ноябр | 17 ноябр | 11 ноябр (10.11 дан такрор) | 11 ноябр (10.11 дан такрор) |

**«Халқ сўзи», «Народное слово» ва «Правда востока» газеталарида сиёсий партияларнинг сайловолди платформалари, Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатган ҳокимият вакиллик органлари вакили ва Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази раҳбари билан суҳбатлар саккиз қоғоз (икки интервал) ҳажмида қуйидаги тартибда берилади:**

1. Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази раҳбари билан суҳбат.
2. «Миллий тикланиш» партияси.
3. Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатган ҳокимият вакиллик органлари вакили билан суҳбат.
4. «Адолат» социал-демократик партияси.
5. Халқ демократик партияси.
6. «Фидокорлар» миллий демократик партияси.
7. «Ватан тараққиёти» партияси.

## КЎТАРИНКИ РУҲ

***Бундай ҳолатни Жиззах вилоятида маҳаллий Кенгашларга сайлов ўтказувчи барча округ ва участкаларда кузатиш мумкин 309-сайлов участкаси ана шуларнинг биттаси.***

Очиғи, кейинги пайтларда вилоят миқёсидаги турли йиғинлар ва сайловолди тадбирларида Мирзачўл туманида бу борадаги тайёргарлик ишлари кўнгилдагидек ташкил этилганлиги тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. Шу боис кўнглимда бу олис чўл туманидаги биронта чекка қишлоқда жойлашган сайлов участкаси фаолияти билан яқиндан танишиш истаги туғилганди.

Айдаркўл бўйидаги «Пахтазор» қишлоғига туш оққанда етиб келдим. Сайлов участкаси қаерда деб ҳеч кимдан сўрамадим. Барибир кўзга кўринадиган биронта бинода бўлса керак, шиорлар ҳам ёзилгандир, деган гап ўтди хаёлимдан.

Тўғриси ҳам шундай бўлиб чиқди. Қишлоқ ўртасига етганимда тепасида юртимиз байроғи ҳилпираб турган ҳашаматли бино диққатимни тортди. Маданият саройи экан. 309-сайлов участкаси ана шу бинода жойлашган экан. Каттагина зал деворида Ўзбекистон харитаси, вилоятлар бўйича аҳоли сони, уларнинг миллати ҳақидаги маълумотномалар осиб қўйилган. Бу ерда сайлов комиссияси, ҳуқуқшунос, тиббиёт, «Оналар ва болалар» хоналари, «Маънавият бурчаги», «Ёш сайловчига маслаҳатлар», кутубхона, учрашув зали ташкил этилган. Муҳими, барча хоналар шинам, озода, деразаларига ҳарир пардалар тутилган, чўғдек гиламлар тўшалган.

Сайлов участкасида қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Марям Жуманиёзова бир гуруҳ сайловчилар билан суҳбатлашиб турган экан.

— Сайловларга тайёргарлигимиз ҳақиқатан ҳам ўзгача, — дея гап бошлади Марям опа. — Участкамиз раиси Саидазимжон бўлганда ҳаммасини гапириб берарди. Ҳозир у банкка кетган.

Қишлоқдаги 709 хонадонда ўндан зиёд миллат вакиллари истиқомат қилади. Сайловда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлганлар эса 1450 нафарни ташкил этади.

Мазкур участкада сайловларга ташкилий тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилган. Жумладан, сайловчилар рўйхати олиб бўлинган. Уларни рўйхатдан ўтказиш жойи, овоз бериш хоналари тахт қилиб қўйилган. «Сайловдан сайловгача» деб номланган улкан маълумотномада туманнинг, хўжаликнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ривожланиш босқичлари батафсил акс эттирилган. Кейинги беш йил давомида ишга туширилган иншоотлар, фидойи инсонларнинг суратлари осилган. Умуман, 309-сайлов участкасида тобора яқинлашиб келаётган мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги муҳим тадбир — сайловларни уюшқоқлик ва кўтаринкилик билан ўтказиш учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилиб қўйилмоқда.

**Ҳ. НАБИРАЕВ.**




## КУН ТАРТИБИДА — САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК

Сирдарё вилоятида бўлиб ўтган йиғилиш республика Олий Мажлиси депутатлиги ва республика Президентлигига бўладиган сайловларга тайёргарликнинг аҳволига бағишланди.

Унда округ сайлов комиссиялари раислари, шаҳар ва туман ҳокимларининг муовинлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Сайлов участкалари ва комиссия аъзоларининг фаолияти, сайлов хоналарини таъмирлаш, уларни кўнгилдагидек жиҳозлаш ва бошқа масалалар тўғрисида ҳам сўз борди.

Йиғилишда ҳар бир номзодни оммавий ахборот воситаларида тарғибот-ташвиқот қилиш, уларнинг қонуний ҳуқуқларини чекламаслик, шунингдек, барча номзодларга тенг шарт-шароит ва имтиёзлар яратиш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Ўз мухбиримиз.**

1999 5 декабр — САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН — 2000 9 январ

# ВАТАННИ ЯШНАТУВЧИЛАР КЕРАК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳар қандай партия агар ўзини **сиёсий партия** деб ҳисобласа, аввало **жамиятни улуғвор мақсадларга чорлашга қаратилган дастурига эга бўлиши,** шу дастур ва аниқ ғоялар орқали ўз тарафдорларини кўпайтириб боришга ҳаракат қилиши керак. Демак, партиялар ҳокимиятга келиши, ҳокимиятга келгандан кейин халқни ишонтирган-инонтирган мақсаду ғояларини амалга ошириш учун курашмоғи лозим. **Чинакам фаолият кўрсатиш учун эса партия ва унинг аъзолари ўзларини шу азиз Ватаннинг асл фарзандлари деб билиб халқ ичига кириб бориши, бунёдкорлик, яратувчилик иши билан обрў топишга, истиқлолимизни мустаҳкамлаш, уни ёмон кўзлардан сақлашга фидойи бўлиб интилиши керак.**

Очиғини айтганда, бизда сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, маънавий соҳаларда, ислоҳотларни қай тарзда амалга оширишимизда аниқ режа ва дастурларимиз бор. Бугунги кунда ҳаётга татбиқ қилаётган ушбу дастурларимизнинг хато-камчиликларини ошкора айта оладиган, баҳслашишга тайёр, **элим деб, юртим деб ёниб яшовчи соғлом кучлар жамиятимизга ниҳоятда керак.** Давлат ўзининг устувор режаларини аниқлаётганда, ҳаётга жорий қилаётганда жамият ўзининг мужассамлашган кучлари орқали мана шу мақсадларнинг амалга ошишига ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Бинобарин ўз сафларида соғлом кучларни тўплаган партия — истиқболли партия бўлади.

Албатта, ҳар бир жамиятда турли тоифадаги, турфа хил фикрга, тафаккурга эга бўлган кучлар мавжуд. Назаримда, уларни учта тоифага бўлиш мумкин. **Биринчиси,** улуғ мақсадлар ва миллий манфаатлар учун жонини фидо қилишга тайёр бўлган ватанпарвар кучлар. **Иккинчиси,** жамиятдаги ўзгаришларни энди англаб етаётган, ҳаётда ўз ўрни ва мавқеини излаётган кучлар. Буларнинг аксариятини ёшлар ташкил этади. Айнан мана шундай соғлом кучлар жамиятда катта роль ўйнайди. **Учинчиси,** тор шахсий мақсадлар доирасида ўралашиб «оёғи ердан узилиб» қолган, ўз манфаати учун актив, Ватан манфаати учун пассив кучлар. Улар жамиятдаги ўзгаришларга, янгиланишларга бефарқ. «Яшасин» дейди-ю юраги ёнмайди, ҳаракат қилмайди. Улар янгиликка нафақат қўшилмайди, баъзан тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатади. **Бугун олдимизда турган улкан вазифаларни, буюк мақсадларни рўёбга чиқариш учун бизга «яшасин»чилар эмас, Ватанни яшнатувчилар керак!**

Бинобарин, партиялар мақсади ва маслаги Ватанни яшнатиш бўлган ғурурли, фидойи, изланувчи, ватанпарвар кучларга таянсалар, суянсалар, депутатликка уларнинг номзодини қўйсалар, сайловларда уларнинг номзодлари кўп овоз олиб ғолиб чиқиши тайин.

Аслини олганда сайлов у ёки бу партиянинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини кўрсатувчи ўзига хос барометр ҳисобланади. Чунки ҳар бир сайловчи ўз хоҳиш-иродасига қараб овоз беради.

Сайловчига қайси партия ижтимоий воқеликни ҳар томонлама таҳлил қилиб, вазмин мулоҳазалари, пухта ўйланган хулосалари ва ғоялари билан жозибадор кўринса, ўша партия номзодлари сайланиши аниқ. **Партияларимиз сайловларда халқ манфаати, юрт ривожи, Ўзбекистон обрўсини ўйлаб саъй-ҳаракат қилишлари зарур.** Зеро, бўлажак сайловлар жаҳон жамоатчилигининг, нуфузли халқаро ташкилотларнинг синчков нигоҳи остида ўтади. Шундай экан, олдимизда турган **улкан сиёсий синовдан ёруғ юз билан мамлакатимиз обрўсига обрў қўшиб чиқиш** учун зарур маънавий ва интеллектуал салоҳиятимизни сафарбар қила билишимиз даркор.

**Аслиддин ОРТИҚОВ.**





*Ҳозир қайси сайлов комиссияси, округ ёки участкада бўлманг иш қизғин паллага кирганининг гувоҳи бўласиз. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясида ҳам иш бир зум бўлсин сусайгани йўқ.*

*— Айни пайтда сиёсий партиялар, ташаббускор гуруҳлар, вакиллик органидан кўрсатилган номзодларнинг ҳужжатлари устида ишлаяпмиз, — дейди шаҳар сайлов комиссияси котиби Машкура Шоисаева. — Чунки саноқли кунлардан кейин уларнинг тўлиқ рўйхатини маҳаллий газеталарда эълон қиламиз.*

*Шаҳар сайлов комиссиясига келган киши истаган маълумотини олиши, саволига жавоб топиши мумкин. Чунки бу ерда ҳар куни барча соҳалар бўйича мутахассислар ҳозиру нозир.*

**СУРАТЛАРДА: компьютер ишлари бўйича ходима Замира Ёқубова иш устида; Тошкент шаҳар сайлов комиссияси котиби Машкура Шоисаева саволларга жавоб бераяпти.**

## САВОЛ ? ЖАВОБ

**Сайлов бюллетенининг ҳақиқий, ҳақиқий эмаслигини қандай билишимиз мумкин?**

**О. Ҳайдаров, Самарқанд вилояти.**

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 27-моддасига кўра:

«Сайлов бюллетенининг ўнг томони юқори бурчагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади. Комиссия томонидан тасдиқланмаган сайлов бюллетенлари овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди».

**Номзодларни ташвиқот қилиш қай йўсинда амалга оширилиши мумкин?**

**Ф. Мўминова, Андижон вилояти.**

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасига биноан:

«Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади. Депутатликка номзодларга ўз сайловчилари билан ҳам йиғилишларда, ҳам сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқ берилади. Сайловчиларнинг йиғилишлари участка сайлов комиссияси томонидан туман, шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда ташкил этилади. Сайлов комиссиялари, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимликлари Олий Мажлис депутатлигига номзодларга йиғилишлар ўтказиш учун жиҳозланган бинолар ажратадилар. Йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ва жой сайловчиларга барвақт хабар қилинади.

Ташвиқотнинг сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматлари бундан мустасно), шунингдек, пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб борилиши тақиқланади.

# 116 КОРХОНА ТУГАТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг мажлиси бўлди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Б.Ҳамидов раислигида ўтган бу мажлисда иқтисодий ночор корхоналарнинг зарар келтиришига хотима бериш ва уларни соғломлаштириш юзасидан қилинган ишлар ва ҳукумат комиссиясининг қарорлари қандай бажарилаётгани тўғрисида "Ўзмашсаноат", "Ўзэлтехсаноат" ассоциацияларининг, шунингдек корхоналар банкротлиги ва санациялари масалалари бўйича Самарқанд, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳудудий комиссияларининг раҳбарлари ҳисоб бердилар.

Комиссия "Ўзэлтехсаноат" ассоциациясининг зарар келтирувчи ва иқтисодий ночор корхоналарни молиявий жиҳатдан соғломлаштириш ишларининг қониқарсизлигини, шунингдек тармоқни ривожлантириш умумий стратегияси ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини янгилашга доир дастурлар йўқлигини таъкидлади.

"Ўзэлтехсаноат", "Ўзмашсаноат" ассоциацияларига ва "Ўзавтотранс" корпорациясига "Андижонкабел", "Ўзэлектротерм" акциядорлик жамиятларининг ва "Қорақалпоғистон дарё флоти" ишлаб чиқариш бирлашмасининг молиявий аҳволини соғломлаштиришга доир аниқ тадбирларни бажариш, шунингдек "Самарқанд лифтсозлик заводи", "Компрессор", "Қўқонтўқимамаш", "Тоштўқимамаш" ва бошқа бир қанча корхоналар иши рентабеллигини таъминлаш зарурлигини кўрсатди. "Жиззах аккумулятор" ва "Улуғбек" акциядорлик жамиятларининг молиявий аҳволи ёмонлашгани ва молиявий соғломлаштириш режалари бажарилмагани сабабли комиссия уларни санациялаш жараёнини тўхтатиш ва банкротлик тадбирларини тезлаштиришга қарор қилди.

Мажлис давомида корхоналарнинг зарар келтиришига хотима бериш, иқтисодий ночор ва истиқболсиз корхоналарни тугатиш бўйича ҳудудий комиссияларнинг фаолиятига холис баҳо берилди.

Жумладан, ҳудудий комиссияларнинг зарар келтираётган ва иқтисодий ночор корхоналарни тугатишга доир ишлари етарли эмаслиги таъкидлаб ўтилди. Шу муносабат билан "Элма", "Ўзёғочқоғозсавдо", "150-дорихона", "Ёғочсоз", "Барион", "Каттақўрғон автотранспорт корхонаси", "Янгиобод автокомбинати", "Андижон транспорт экспедиторлик", "Автоқурилиш", "Самарқанд қурилиш материаллари", "Чорвотехсервис", "Темир йўлчи" ва бошқа акциядорлик жамиятларининг банкротлиги ва уларни тугатиш масалаларига доир ишларни кучайтириш топширилди.

Комиссия қарори билан бу йил хўжалик судлари томонидан банкрот деб эълон қилинган 116 корхонани 1999 йил 1 декабргача тугатишни таъминлаш ҳам топширилди.

Мажлис якунлари бўйича корхоналар иқтисодий ночорлиги тўғрисидаги ишлар бўйича қўмитага, вазирликлар, идоралар, тижорат банклари, статистика органлари, Олий хўжалик суди раҳбарларига ҳукуматнинг банкротлик тадбирларини кучайтириш ва корхоналар санацияси самарадорлигини оширишга қаратилган қарорларини бажариш юзасидан аниқ чоралар кўриш, шунингдек зарар келтираётган ва иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш билан кечиктирмай шуғулланиш юзасидан топшириқлар берилди.

**(ЎзА).**

# ҚИРҒИЗИСТОН ЖАНУБИДАГИ ВОҚЕАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Қирғизистон жанубида юз берган ва салкам уч ой давомида минтақамиз давлатлари аҳолиси тинчини бузган воқеалар ниҳоят барҳам топгандек бўлди. Жангарилар Қирғизистон ҳудудини тарк этмоқда. Гаровга олинганлар, хусусан, япон фуқаролари ҳам озод қилинди.

Бироқ бу воқеалар, уларнинг якуни ҳали-ҳамон кенг жамоатчиликни безовта этиб турибди. Шу муносабат билан Миллий матбуот марказида Ўзбекистон жамоатчилиги вакиллари, таниқли фан ва маданият арбоблари, республика ижодий уюшмалари, миллий-маданий марказларнинг раҳбарлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилиш қатнашчилари ён қўшнимиз бўлган Қирғизистон жанубида рўй берган нохуш воқеалар, уларнинг оқибатларини таҳлил қилиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Сўзга чиққанлар мазкур воқеалар нафақат қирғиз халқи, балки бутун Марказий Осиё халқларининг бугунги тинч ҳаётига қилинган тажовуз ҳамда ёвуз кучларнинг намойиши эканини таъкидладилар.

Маълумки, Боткен туманидаги воқеаларга Ўзбекистон ҳукумати биринчи кунларданоқ жиддий эътибор билан қаради. Ўзбекистон Президенти, республика ҳукумати ва мамлакатимиз жамоатчилиги босқинчи тўдаларга кескин зарба бериш мақсадида Қирғизистон кўрган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлади, биринчилар қаторида қирғиз халқига елкадош бўлишини изҳор қилди.

Йиғилиш қатнашчилари мустақил Қирғизистон ҳудудига сурбетларча бостириб кирган, бегуноҳ одамларни ўлдириб, мол-мулкини талаган, динни ниқоб қилиб олган террорчи тўдаларнинг тўла яксон қилинмаганига, аксинча, улар билан хуфиёна мулоқот олиб борилганига таассуф билдирдилар. Бундай нохуш воқеалар яна такрорланиши мумкинлигидан кенг жамоатчилик ташвиш тортаётганини таъкидлаб, бунга асло йўл қўймаслик учун барча чора-тадбирларни кўришга даъват этдилар.

Йиғилиш сўнггида Ўзбекистон маданият ва жамоат арбобларининг баёноти қабул қилинди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

"Биз ўз уйимизни, она юртимизни турли ёвуз кучлар, бало-қазолардан асраш, ота-боболаримиз хоки ётган мана шу тупроқнинг ҳар бир қаричини муқаддас билиб, уни ҳимоя қилишга тайёр туришимиз керак. Ватан, миллатнинг ор-номуси, халқнинг ғурурини ҳимоя қилиш йўлида мустаҳкам эътиқод, собит ирода билан мардона туриш барчамизнинг виждоний бурчимиздир".

**(ЎзА)**

*Маълумки, 2 ноябр куни АҚШда "Ўзбекистон маданияти ҳафталиги" бошланади. Мазкур тадбир доирасида ташкил этиладиган "Буюк ипак йўли" кўргазмасида қадим осори-атиқалар, тасвирий санъат асарлари билан бирга, амалий санъат асарларининг савдо-кўргазмаси ташкил этилади. Ҳафталик кунлари намойиш этилажак концерт дастури "Янги Ўзбекистон" деб номланишининг эса ўзига хос рамзий маъноси бор.*

## "ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН"

Санъат усталари ижросидаги концертда Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов раҳбарлигидаги созандалар гуруҳи асосий ўрин тутади. "Шарқ тароналари" иккинчи халқаро мусиқа фестивали бош мукофоти — Гран При совриндори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Насиба Сатторова мумтоз қўшиқлар гулдастасини тайёрлади. Юнус Ражабий номидаги мақом ансамблининг хушовоз хонандаси Бекназар Дўстмуродов билан хоразмлик Равшан Матёқубов репертуари асосан фольклор қўшиқларидан иборат. Америкада ўзбек рақс санъатига ҳам қизиқиш катта эканлиги яхши маълум. Шу боис моҳир раққосалар Роза Абулхайирова, Наима Юсупова, Светлана Худойберганова миллий рақс санъатининг Бухоро, Фарғона, Тошкент, Хоразм усулларидан, шунингдек, устоз Мукаррама Турғунбоева меросидан олинган мумтоз асарлардан ижро этади.

**(ЎзА).**

# БОКСЧИЛАР — ФИНАЛДА

Шу кунларда Тошкентдаги "Юнусобод" спорт мажмуида ўтаётган бокс бўйича XX Осиё чемпионатида финалга чиқиш учун мусобақалар икки гуруҳда давом этди. Биринчи гуруҳда финалда иштирок этувчилар аниқланди.

Уларнинг орасида ўзбекистонлик уч спортчи — Руслан Чагаев, Алишер Раҳимов ва Дилшод Йўлдошев бор. Улар ўз вазн тоифаларида Осиё чемпиони номини олиш учун курашадилар.

Қирғизистонлик Владислав Визилтер, қозоғистонлик Дониёрбек Муноитбосов, таиландлик Пиннон Субанг ҳам финалга чиқди. Қолган финалчилар кейинроқ маълум бўлади.

Чемпионатнинг финал мусобақалари 30 октябрда бўлади.

**(ЎзА).**

# КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси қошида ташкил этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова бошқарган мазкур йиғилишда Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодларни тавсия этиш юзасидан Тошкент шаҳри, Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятлари хотин-қизлар қўмиталари қошида ташкил этилган комиссиялар раисларининг олиб бораётган ишлари ҳақидаги ахбороти тингланди.

Шунингдек, йиғилишда Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссияси ҳамда ишчи гуруҳларининг галдаги вазифалари белгилаб олинди.

**(ЎзА)**

# ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Шўртан газ-кимё мажмуи қурилишини назорат қилувчи ва мувофиқлаштирувчи ҳукумат комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Республика Бош вазирининг ўринбосари А.Исаев бошқарган мазкур йиғилишда мажмуа қурилишига алоқадор вазирликлар, концерн, бирлашма ва қурилиш ташкилотлари раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Йиғилишда мажмуа қурилишидаги ойлик топшириқлар ўз вақтида бажарилаётгани, қурилиш суръати маромида бораётгани таъкидланиши билан бирга, мажмуада қишга тайёргарлик ишларини жадаллаштириш зарурлигига эътибор қаратилди. Бу борада тегишли ташкилотлар раҳбарларига зарур топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

**А. ТАЙПАТОВ, ЎзА мухбири.**

*Бошқарув тизими*

# КУЧЛИ ДАВЛАТ —

*Давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштириш масаласи ҳам катта аҳамият касб этади. Бу борадаги асосий вазифалар ҳокимият барча тармоқларининг бир-биридан мустақил ҳолда иш юритиш тамойилларини мустаҳкамлаш, ҳокимият ваколатларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларни ўз-ўзини бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказа бориш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этишни кучайтиришдан иборат.*

**Ислом КАРИМОВ.**

Инсоният онгли ҳаётида жамиятни бошқариш, аниқроғи — энг адолатли ва яшовчан бошқарув тизимини яратиш муаммоси доимо кун тартибида турган.

Истиқлолни қўлга киритган юртимизда ҳам бу масалада назарий ва амалий қадамлар қўйилмоқда. Ҳозирги сайловлар ҳам жамиятни идора қилишнинг энг демократик, замонавий институтларини яратишда муҳим тадбир ҳисобланади. «Мустақилликнинг олий мақсади — халқимиз иззатини жойига қўйиш» — дастлабки кунларда Президентимиз томонидан билдирилган бу фикр қилинажак ишларнинг мундарижасини белгилаб турибди.

Юридик фанлар доктори Озод ҲУСАНОВ билан суҳбатимиз ҳам халқимизнинг ўзига хос ва келажагига мос бошқарув тизимини яратишнинг баъзи масалалари хусусида бўлди.

**— Давлатнинг пайдо бўлишидаги тарихий зарурат, давлатнинг асосий белгилари ҳақида қисқача тушунча берсангиз.**

— Кишилик жамияти, унинг таркибий қисмлари доимо ривожланиб, такомиллашиб борган.

Ҳар бир жамиятда бирор ижтимоий воқеанинг намоён бўлиши, бирор тузилманинг вужудга келиши аниқ бир зарурат туфайли содир бўлганидек, жамиятнинг ажралмас қисми бўлмиш давлатнинг вужудга келиши ҳам зарурат туфайлидир. Давлат жамиятнинг ривожланиши маҳсули ҳамда ўз навбатида жамият ривожини янада мукаммалроқ таъминлаш вазифасини бажарувчи ва шу вазифани уддалай оладиган тузилмадир.

Кишилик жамиятининг дастлабки даврида ишлаб чиқариш такомиллашиб, фойдани тақсимлаш, уруғлар, қабилаларнинг ерларини босиб олиш (ҳимоя қилиш) сингари заруратлар натижасида давлат пайдо бўлди.

Давлатнинг вужудга келишини фақат хусусий мулк ва синфларнинг вужудга келиши билан боғлаш етарли эмас, унинг биологик, психологик, иқтисодий, ижтимоий, диний, миллий ва бошқа факторлари мавжуд. Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ҳар бир давлат — бетакрор ижтимоий ҳодисадир. У ҳар қайси халқ тарихий ва маънавий тараққиётининг ҳосилидир, унинг ўзига хос, ўзига мос маданияти ривожининг натижасидир» — деган таърифи давлат моҳияти ва жамиятдаги ўрнини тўғри ифодалайди.

Жамиятда давлат ягона тузилма эмас, у билан бирга бошқа тузилмалар ҳам вужудга келади ва ривожланиб боради, давлатнинг ана шу ижтимоий тузилмалар тизимидаги ўрни алоҳида бўлиб, у алоҳида омиллар билан характерланади. Давлат бошқа нодавлат ташкилотларнинг нормал фаолият кўрсатиши учун шароит яратиб бера олади.

Жамият қанчалик ривожланиб, ўзгариб борса, давлат ҳам ривожланиб ўзгариб боради. Ўз навбатида бу жамиятнинг ўзгаришига ҳам таъсир қилади.

**— Асосий Қонунимизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат қуриш мақсад қилиб қўйилган, бу фуқаролик жамияти қуриш билан бевосита боғлиқ, шу жараёнда давлат ва жамият муносабати қандай бўлади?**

— Бу саволга жавобни жамиятнинг ўзи нималигини изоҳлаш билан бошласак тўғри бўлади. Жамият бирор бир мамлакат ҳудудидаги онгли аъзоларнинг йиғиндиси, яъни инсонларнинг ҳаёт кечириши учун умумий манфаатлар (тинч, яхши ҳаёт кечириш, насл қолдириш ва бошқалар) асосида бирлашишини таъминловчи маънавий макон. Жамиятнинг асосий унсури инсондир. Барча масалалар уларнинг манфаатига хизмат қилади.

Давлат эса жамиятнинг мавжудлигини белгиловчи омилларга таъсир қилувчи, амалга оширувчи воситадир. Давлат жамиятга тааллуқли барча унсурларнинг ҳаётий бўлиши, ишлашига таъсир қилади.

Давлатнинг қандай бўлиши, унинг характери ҳар бир жамиятда турлича бўлади. Ўзбекистон ривожланган мамлакатларнинг тажрибасига таяниб ҳуқуқий давлат қуришни мақсад қилиб қўйган ва унга эришиш учун ҳаракат қилмоқда.

Ҳуқуқий давлат, бу — давлат ҳокимиятининг шундай фаолият ва ташкилий шаклидирки, унда жамиятнинг аъзолари ва турли тузилмалари ўртасида ўзаро муносабатлар ҳуқуқ меъёрлари асосига қурилади. Бу — қонуннинг устуворлиги, ҳокимиятнинг бўлинишини амалга оширган ҳолда шахс манфаатининг устуворлигига эришишни назарда тутади. Ҳуқуқий давлатда шахс ва давлат ўртасида ҳуққа асосланган ўзаро мутаносиб мажбурият вужудга келади. **Қонуннинг устуворлиги** деганда жамиятнинг барча аъзолари қонун олдида тенг ва қонун талаблари барча учун мажбурий эканлиги, **ҳокимият бўлиниши** эса қонун чиқарувчи (бизда — Олий Мажлис), ижро этувчи (Вазирлар Маҳкамаси) ва назорат қилувчи (суд, прокуратура, ички ишлар) идоралари мустақиллиги тушунилади.

Ҳуқуқий давлат жамиятнинг такомиллашувига, уни фуқаролар манфаатига янада тўлароқ мос келувчи фуқаролик жамиятини шакллантиришга олиб келувчи асосий омилдир. Фуқаролик жамияти нима деган саволга энг оддий қилиб, бундай жамиятда фуқароларга ўз имкониятларидан (имконият сиёсий соҳадами, иқтисодий соҳадами) тўла фойдаланишга шароит яратилади, яъни фуқароларга ўз имкониятларидан тўла фойдаланиш шароити мавжуд бўлган жамият — фуқаролик жамиятидир, деб жавоб бериш мумкин.

Фуқаролик жамиятида авваллари давлатга, давлат тузилмаларига тааллуқли бўлган кўпгина масалалар фуқаролар томонидан, уларнинг ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Сиёсий, иқтисодий ҳаётда фуқаролар онгли, кенг, фаол иштирок этиш имкониятлари кенгаяди. Давлат тузилмалари фаолияти устидан фуқароларнинг таъсирчан назорати ўрнатилади. Бу эса жамиятдаги давлат, шахс, нодавлат ташкилотлар ўртасида янгича, фуқаролар манфаатига хизмат қилувчи муносабатларни вужудга келтиради. Давлат жамиятнинг ривожланишига ижобий таъсир қилса, ўз навбатида фуқаролик жамияти асло давлатни заифлаштирмаган ҳолда унинг такомиллашувига шароит яратади.

**— Президентимиз томонидан «Кучли давлатдан — кучли жамиятга» ўтиш ғояси кун тартибига қўйилди. Бу борада қилинаётган ишлар тўғрисида тўхталсангиз.**

— Ўзбекистон ҳозирги кунда ўз давлатчилигини шакллантиришда жаҳон тажрибаларини ўрганиш, давлатчиликка миллий анъаналарни жорий этиш билан бирга давлатчиликни шакллантириш, ривожлантиришда ўзининг йўлига эга.

Давлат ва жамият қурилишидаги илмий ғоялардан бири «Кучли давлатдан — кучли жамиятга» деган ғоядир. Нодавлат, жамоат ташкилотлари — фуқаролик жамият асоси. Фуқаролар шундай ташкилотларга бирлашиб давлат бошқарувига, ижтимоий-сиёсий ҳаётга таъсир кўрсатади.

Албатта, ҳар қандай мамлакат ривожланган, фуқароларнинг орзу-истакларини тўла қондира оладиган жамият қуришни орзу қилади. Орзуга айб йўқ. Лекин орзуга эришиш йўли ҳамма вақт ҳам тўғри белгиланмайди ёки белгиланган йўл барчанинг манфаатига тўла мос тушмайди. Ўзбекистон ҳам ривожланган жамият қуришни, мамлакатимиз буюк мамлакатлар даражасида бўлишини мақсад қилиб қўйган ва ана шу мақсадга эришишнинг ишонарли воситаларидан бири сифатида ривожланган жамиятга кучли давлат орқали ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблади.

«Қандай жамият кучли жамият?» деган саволга шундай жавоб бериш мумкин:

бундай жамият аъзоларининг иродаси, маданияти, маънавияти юксак даражада бўлиши керак;

жамиятдаги иштирокчилар манфаатларининг умумийлиги кучаяди, ягона мақсадда мужассамлашади;

жамиятда унинг такомиллашуви, янгиланиши учун имкониятлар кучли ва аниқ бўлади;

умумманфаатга эришиш йўлида жамият аъзолари, тузилмалари ўртасида ҳамкорлик кучаяди ва у самаралироқ бўлади;

жамиятдаги муносабатларни тартибга солувчи қоидалар таъсири кучаяди, қоидаларга амал қилиш фақат мажбурлов асосида эмас, онгли равишда кечади. Ахлоқ нормаларининг ўрни кенгаяди;

сиёсий ҳокимият ўз олдига қўйган вазифасини бажаришига имконият кенгаяди, сиёсий ҳокимиятга (давлатга) ишонч кучаяди, у аҳоли томонидан кўпроқ қўллаб-қувватланади. Натижада марказий органлар ўз вазифаларини қуйи органларга, нодавлат ташкилотларига ўтказиш учун шароит вужудга келади.

Юқоридагиларни амалга оширишда давлат муҳим роль ўйнайди, шунинг учун «Кучли давлатдан — кучли жамиятга» деганда давлатнинг заифлашиши, кучсизланиши содир бўлади, деган

